

Маккада тушган, 29 оятдан иборат

«Таквир» сўзи лугатда «ўраш» маъносини билдиради. Сурада киёмат куни хар бир жон ўз хаётида кандай амаллар килиб ўтганини билиб, икрор бўлиши хакида хабар берилади, инсонларга хитоб килиниб, улардан қўлларида Хак йўлини кўрсатиб турган шундай буюк Китоб мавжуд бўлатуриб ўзлари учун яна кандай йўл ахтариб кетаётганлари сўралади. Сура киёмат кунида бутун Ер юзини ёритиб ва иситиб турган Куёш хам ўралиб, копланиб, нурсизланиб колиши хусусидаги оят билан бошлангани сабабли шундай ном олган.

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Бисмиллахир рохманир рохийм

Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи билан бошлайман.

1. Куёш ўралганида;

Оятдаги «куввирот» сўзи бир нарсани думалок килиб ўраш маъносини билдиради. Куёшнинг ўралиб колиши, яъни сўниши киёматнинг коим бўлиши аломатларидандир. Яъни киёмат куни келганида куёш ўзига ўзи ўралади ва нури батамом тўсилади. Миллиард йиллардан буён муттасил шуъла сочиб турган, бағридаги иссиғи миллионлаб даражага борадиган куёшнинг бирданига сўниб, харорат чикармай колишини хатто тасаввур килиш хам мушкул. Ўшанда Ерда хаёт изию бирор тирик жонзот колармикин?!

2. ва юлдузлар хам сўнганида;

Кечалари милт-милт порлаб, осмонга зийнат бўлиб турган юлдузлар хам киёмат бўлганида ўрнашган жойларидан сочилиб, сўниб кетади. Биз кўриб турган «Сомон

йўли» галактикасида (юлдузлар мажмуида) миллиардлаб юлдуз мавжуд. Олимлар тахминича эса борликда миллиардлаб бундай галактикалар бор. Ана шу юлдузларнинг сочилиб, сўниши киёматнинг нақадар дахшатли, ақлга сигмайдиган улкан воқеа эканига далолатдир.

3. ва тоғлар жойидан жилганида;

Киёмат келганида Ерга козик бўлиб ўрнашган зил-замбил тоғлар ҳам парчаланиб, жойидан жилади, унинг бўлақлари осмонда худди енгил юнг каби учиб юради. Бунинг баёни Куръони Каримда бундай келган: *«Тоғларни юргизадиган ва сизлар Ерни теп-текис кўрадиган кунни эсланглар»* (Кахф, 47). Ер салгина кимирлаб колса ёки бирор иморат бехос кулаб тушса, юраги ёрилиш холига келадиган инсон киёматнинг ана шундай дахшатлари хақида тинмай хамиша огохлантирилганига карамай, нега осийлик килаверади, ҳақ йўлга юргиси келмайди? Еру осмонлар, куёш ва юлдузлар, тоғлар ва бошқа мавжудотларнинг яратувчиси ва эгаси Аллоҳ таолога итоатсизлик килади?

4. ва хомиласи ўн ойлик туялар каровсиз колдирилганида;

Киёмат бўлганида хатто хомиласи ўн ойлик туялар ҳам каровсиз колдирилар экан. Куръони Каримда бу мисолнинг келтирилиши бежиз эмас. Куръон нозил килинган Арабистон диёрида туялар одамларнинг энг ардоқлайдиган, кимматбаҳо, кадрли мулки бўлган. Чунки ундан чидамли улов сифатида фойдаланилган, сути, гўшти, ёғи таом ўрнида ишлатилган, юнгидан кийим ва кўрпа-тўшак, палос каби рўзгор буюмлари тайёрланган. Туяси кўп кишилар бой саналган, айникса, бўғоз туяси кизил бўталок тугиб берган сахройи арабдан бахтли одам бўлмаган. Киёмат коим бўлганида тугишига бир неча кунгина колган бўғоз туялар билан ҳам ҳеч кимнинг иши бўлмай қолади.

5. ва вахший хайвонлар тўпланиб колганида;

Йирткич хайвонлар канчалик вахший бўлмасин, зилзила, ёнгин, бомба портлаши каби таҳликали пайтларда юввош тортиб, бир жойга тўпланиб қолади. Энди дахшати ва кўркуви булардан миллионлаб марта каттик бўлган киёматни бир тасаввур қилиб кўринг: вахший хайвонларнинг кўркувдан тўпланиб қолишлари ҳам оддий нарса бўлиб қолади.

6. ва денгизлар тошиб чикканида;

Киёматнинг коим бўлиши холатларидан яна бири денгизлар тошиб, ҳаммаёкни сув босиб кетишидир. Дарёлар ва денгизлар ўртасида, албатта, куруклик бўлади, бирининг суви иккинчисиникига аралашиб кетмайди. Лекин киёмат бўлганида денгиз, дарё ва уммонлар орасидаги бу тўсик бузилиб кетади, чучук ва шўр сувлар аралашиб кетади. Бундай кўринишдан бир улушини милодий янги аср бошланишида Жанубий-шаркий Осиёнинг айрим давлатлари ахолиси ўз кўзи билан кўрди: кучли тўфон натижасида уммон-денгизлар тошиб, канча-канча шаҳарларни ер юзидан супуриб ташлади, минглаб одамлар халокатига сабаб бўлди. Бу холатнинг киёмат кунидагиси бундан бир неча баробар кўркинчли, халокатли бўлади. Айрим муфассирлар «сужжирот» сўзини «ўт бўлиб ёнса» деб ҳам тафсир қилишган. Юкоридаги оятлар хусусида Имом Газзолий бундай ёзади: «Эй инсон, муддати узун, султони кахрли, вақти якин қолган у Кунга хозирлигингни кўр! Ўша куни сен осмоннинг ёрилганига, кўркинчдан юлдузларнинг сочилиб кетганига гувоҳ бўласан. У Кун чараклаб турган юлдузлар фалакларидан тўкилади, куёш ўралиб (нурсизланиб) қолади, тоғлар ўз жойларидан жилдирилади, қорнида ўн ойлик боласи бўлган бўғоз туялар бўш кўйиб юборилади, вахший хайвонлар бир жойда тўпланиб қолади, денгизлар тандир каби қизитилади ва сув ўрнига олов билан тўлади» («Ихёу улумид-дин»нинг «Ўлимдан сўнг» китоби, 23-бет).

7. ва нафслар кўшилганида;

Киёмат куни барча нафслар, яъни жонлар бир-бирига кўшилиб кетади. Воқеа сурасида баёни келганидек, нафслар уч тоифага бўлинади: «собиклар» тоифаси, «ўнг томон эгалари» тоифаси ва «чап томон эгалари» тоифаси. «Собиклар»ни Пайгамбар алайхиссалом: «Уларга ҳақиқат кўрсатилса, уни қабул қиладиган, улардан бирор нарса сўралса, дарров берадиган ва ўзларига нима ҳукм қилишса, бошқаларга ҳам шундай ҳукм қиладиган кишилардир», деб тавсифлаганлар. «Ўнг томон эгалари» бирор гуноҳ қилишса, дарров тавба қилган ва кейин ўша гуноҳга қайтмай тавбалари билан дунёдан ўтган, охиратда номаи аъмоллари ўнг томонидан бериладиган кишилардир. «Чап томон эгалари» эса гуноҳида бардавом бўлиб, уларга тавба қилмай, гуноҳкор холича дунёдан ўтган ва охиратда амалномалари чап томонидан ёки орқасидан бериладиган қимсалардир. Ушбу оят тафсирида Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху): «Киёмат куни фожир билан фожир, солих билан солих якин бўлади», деганлар. Абдуллох ибн Аббос (розияллоху анху): «Мўмин нафслар хуру ийнлар билан, қуфр ахли ва мунофиқлар эса шайтонлар билан бирлаштирилади», деганлар. Айрим муфассирлар ушбу оятни «рухлар жасадлар билан бирлашса», деб тафсир қилишган.

8. ва тириклай кўмилган киз саволга тутилса:

9. «кайси гуноҳ учун ўлдирилди?» деб.

Яъни тириклайин кўмилган кизлардан: «Нима гуноҳи учун булар ўлдирилди?» деб киёматда саволга тутилганида уларни кўмганлар нима деб жавоб беришади? Инсон Аллоҳга иймон келтирмас экан, бундан ҳам кабиҳ жинойтларни килаверади, халол ва харомнинг фаркига бормади, гуноҳларига турли бахона-сабабларни излаб топади. Иймонсиз кимса Аллоҳга, охират кунига, жаннат ва дўзахга ишонмагани учун ҳамма нарсани ўз каричи билан ўлчайди. Жохилият даврида (яъни Ислом келгунига қадар) араблар ўзларининг киз фарзандларини тугилган захоти ёки бироз улгайгач тириклайин ерга кўмишарди. Бу жирканч жинойтга уларнинг бахона-сабаблари ҳам кўп эди: 1. «Фаришталар Худонинг кизлари, шунинг учун кизларни Унинг Ўзига кайтариш керак, чунки бунга Худонинг ўзи ҳақлирок, бизларнинг эса эҳтиёжимиз йўқ». 2. Улар ризк Аллоҳдан эканини унутишганди, шунинг учун оилага фойда келтирмайдиган киз кўпайса, камбағалчилик келишидан кўркиб ўлдиришарди (гўё ўгил фарзандларининг харажати йўқдай). 3. Улар: «Кизлар урушда асир тушиб қолса, кабиламиз ва оиламиз шаънига доғ тушади, обрўйимиз тўкилади», дейишарди. Бундай шармандали фикр эркаклардан ташқари аёлларга ҳам сингиб кетганди. Ибн Аббосдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Жохилият даврида бир аёл хомиладор бўлса, чуқур қавлаб кўярди. Тўлғоқ тута бошлаганида у чуқур олдиға борарди. Агар киз бўлса, уни чуқурга ташлаб, устидан тупроқ тортарди. Ўгил бўлса, саклаб қоларди. Бундай бағритош оналар ҳақида Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) бундай дедилар: «Фарзандини ўлдирган аёл киёмат кунини боласи унинг кўкрағига осилган, ўз қонига бўялган холда келади ва: «Эй Парвардигорим, бу – менинг онам, у мени ўлдирди», дейди». Бундай воқеалар жаҳолат ва тошбағирликдан бошқа нарса эмас. Минг афсуслар бўлсин, бу каби жирканч ишлар ҳозиргача давом этиб келяпти. Нодон, жохил кимсалар эмас, акли-хуши жойида, ўзини «маданиятли» атайдиган айрим нопок кимсалар қилгиликни қилиб, «шарманда бўлмаслик» учун ё хомиласини олдириб ташлайди ёки тугса ҳам фарзандини ўлдиради ёхуд раҳми келса, бирор жойга ташлаб кетади, бировга бериб юборади. Беақл хайвонлар ҳам қилмайдиган бу мудҳиш жинойтнинг асосий сабаби Парвардигорни танимаслик, У Зот юборган дин таълимотларидан мутлоқ беҳабарликдир.

10. номаи аъмоллар очилганида;

Киёмат кунини инсоннинг дунё ҳаётида қилган барча яхши-ёмон ишлари битилган номаи

аъмоллари (амалномалари) очилиб, эгасига кўрсатилади. Инсон тирик экан, барча ишларини унга Аллох таоло вакил килган фаришталар (кироман котибин) томонидан ҳеч нарса қолдирмай ёзиб борилади. Инсон вафот этиши билан амалномаси ёпилиб, киёмат куни қайта тирилгач, яна очилади ва эгаси барча қилмишларидан хабардор бўлади. Мўминлар бу ҳолатда мамнун ва хушнуд бўлишса, куфр ахллари хато-жиноятлари кўплигидан қайгу-изтирбга тушиб қолади. Буни Аллох таолонинг ушбу ояти қаримаси ҳам тасдиқлайди: «(Сўнгра ҳар бир кишининг) номаи аъмоли қўйилади. Шунда гунохкорларнинг ундаги нарсалардан дахшатга тушиб: «Холимизга вой, бу қандай китобки, на кичик, на катта (гунохни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб қўйибди!» дейишларини кўрасиз. Қилган амалларини нақд ҳолда топишади. Парвардигорингиз ҳеч қимга зулм қилмайди» (Қахф, 49).

11. осмон теридай шилиб олинганида;

Ушбу ояти қаримадан бошлаб яна киёмат кунининг дахшатли манзаралари баёни бошланади. Ўша кун келганида осмон худди тери каби шилиниб-сидирилиб тушади. Оятдаги «қушитот» сўзи арабларда туя терисини шилишга нисбатан ишлатилади. Осмон ҳам худди терини шилгандай сидириб олинади.

12. дўзах киздирилганида;

Киёмат соатлари келиши билан кофир ва мушриклар жойи дўзахга каттик олов ёкилиб киздирилади ва чидаб бўлмас даражага келтирилади. Катода: «Дўзахни Аллохнинг газаби ва Бани Одамнинг хатолари киздиради», деган. Имом Термизий «Сунан» китобларида Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ушбу ҳадисни ривоят қилган: «Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Ўт (дўзах) кизаргунича минг йил ёндирилди. Кейин оқаргунича яна минг йил ёндирилди. Сўнгра қорайгунича яна минг йил ёндирилди. Бас, дўзах қоп-қора зулматдир, деганлар».

13. жаннат яқинлаштирилганида;

Ўша кун келганида Аллохнинг дўстлари, тақводорлар, гунохлардан парҳез қилиб юрган мўмин бандаларга жаннат яқинлаштириб кўрсатилади. Улар жаннатдан унча узок

бўлмаган жойда унга киришларини кутиб туришади. Аллох таоло айтади:
«Парвардигорларидан кўрккан такволи зотлар ҳам гурух-гурух холда жаннатга бошлаб
борилади. Улар дарвозалари очик жаннатга етиб келишганида унинг кўрикчилари: «Сиз
ларга омонлик бўлсин, хуш келибсиз! Унга мангу колувчи бўлган холингизда киринглар»,
дейишади»
(Зумар, 73).

14. ўшанда хар бир жон нима хозирлаганини билади.

Ана ўшанда хар бир инсон дунё хаётида охирати учун нима тайёрлаб келганини
тушуниб-билади. Чунки хар бир иш, амал номаи аъмолларга битиб кўйилган холда
кўрсатиб турилибди. Ким яхши, солих амаллар килган бўлса, унинг мукофоти нақд
турибди. Ким дунё хаётида гунох, жиноятдан бўшамаган бўлса, унинг «мукофоти» ҳам
нақд турибди. Эй нодон инсон, нега дунё хаётида гафлатда юрганингда Аллох ва
Расулининг оғохлантиришларига бефарк бўлдинг, уларни назарга илмадинг? Энди
афсус-надоматнинг фойдаси йўк, тавба эшиклари аллакачон ёпилган. Чунки Аллох
таолонинг бундай ваъдаси бор: «Бу кунда хар бир жон ўз килмишига кўра жазоланади.
Бу кунда (хеч кимга) зулм килиш йўк. Аллохнинг,
хакикатан, хисоби тездир» (Гофир,
17).

15. Йўк, сайёраларга касам;

16. пайдо ва гойиб бўлувчи.

Аллох таоло маълум вақтда пайдо бўлиб, кейин кўринмай коладиган сайёра-юлдузларга
касам, деяпти. Яъни улар кечаси инсонлар кўзига кўриниб туради, кундузи эса куёш
нурлари остига яшириниб олади. Баъзи муфассирлар «Булар бешта: Зухал (сатурн),
Муштарий (юпитер), Миррих (марс), Зухра (венера), Аторуд (меркурий) сайёраларидир,
улар самода куёш ортидан харакатланиб юради, куёш ботгач, кўринмай туради»,
дейишган.

17. Корайиб келаётган тунга касам.

Кеча ҳам Аллох таоло наздида юлдузлар каби эътиборли ва мўъжизавий жисмлардан нарсалардан саналгани учун Парвардигор корайиб келаётган тунга касам, демокда. Кечанинг сифатлари ва инсонларга манфаатлари хакида Набаъ сурасининг 10-ояти тафсирида батафсил сўз борган.

18. Мусаффо тонгга касам.

Аллох таоло хавоси соф, нафас олишга кулай фурсат бўлмиш тонгга касам, деяпти. Аллох таоло ўта мухим ва бандаларига таъкидлаб эслатмокчи бўлган хакикатни Ўз хузуридаги эътиборли, кадрли нарсаларга касамёд килиш билан бошлайди. Шояд, бандам касам билан айтилган гаплар хакида фикр юритса, аклини ишлатса, ибратланса, дейди. Бундан кейинги оятларда Куръони Каримнинг илохий вахий экани, уни мукаррам элчилари – фаришталари оркали Ўз Пайгамбарига туширгани хакида сўз боргани учун Аллох таоло сайёраларга, тунга ва тонгга касам билан ана шу мухим жихатга инсонлар эътиборини каратмокда.

19. Бу, албатта, мукаррам элчи сўзидир;

Аллох хузуридан юборилган илохий вахийлар, яъни Куръони Карим оятлари мукаррам элчи воситасида индирилган. Кўпчилик муфассирлар «мукаррам элчи»ни Жаброил алайхиссаломга нисбат беришади. Жаброил алайхиссаломнинг вазифаси Аллох таоло даргохидан Куръони Карим оятларини олиб, унга заррача хиёнат килмасдан, буюк омонатдорлик билан охирзамон Пайгамбари Мухаммад алайхиссаломга етказишдир.

20. кудратли Арш эгаси хузурида хурматланган;

Жаброил алайхиссаломнинг Аллох таоло хузурида алохида хурмат-эътиборлари бор, у зот ўта омонатдорликлари билан фаришталарнинг мукарраами, ишончлиси, хурматлиси, кудратлиси даражасида турадилар. Маълумки, фаришталар Парвардигорнинг нурдан яратган мавжудотлари бўлиб, улар Аллох таолога хамиша итоатда бўлишади, асло гунох килишмайди. Жаброил алайхиссаломнинг кўл остиларида ана шундай итоатли фаришталар нихоятда кўп. Жаброил алайхиссаломни Кодиру Зулжалол вахий етказиш

ишига вазифадор килди ва Рухул-Кудс (яъни Жаброил алайхиссалом) бу вазифани аъло даражада бажарди.

21. итоатли ва ишонч козонган.

Жаброил алайхиссалом гунохсиз, ўта итоаткор ва ишончли фаришталарнинг хам энг улугларидан бири бўлганлари учун у зотга инсониятга илохий вахийларни етказишдай масъулиятли ва шарафли вазифа юкланди. Чунки Жаброил алайхиссалом Аллох таоло хузурида ўта итоатли ва катта ишонч козонган эдилар. Ушбу ояти карима хакида Ибн Исҳоқдан бундай ривоят бор: «Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) айтадилар: «(у зотдан асло кулмаган фаришта хакида сўраганларида) Жаброил менга шундай деди: «Сиздан олдин ва сиздан кейин бировга кулганида, сизга хам кулган бўларди, лекин у хеч қачон кулмайди. У жаханнам кўрикчиси Моликдир». Шунда Аллох томонидан сизларга: «итоатли ва ишонч козонган» деб тасвирланган Жаброилга: «Уни менга жаханнамни кўрсатишга буюрмайсизми?» дедим. У эса: «Хўп бўлади», деб, сўнгра: «Эй Молик, Мухаммадга дўзахни кўрсат», деб буюрди» («Сийратун-Набавийя», 308-бет).

22. Сохибингиз мажнун эмасдир;

Сизларнинг сохибингиз, сафдошингиз Мухаммад (алайхиссалом), Макка мушриклари даъво килаётганидек, асло мажнун, аклдан озган эмасдир. Аллох таоло Ўзининг буюк омонатини, илохий вахийларини мажнун кишига туширармиди, нега озгина акл ишлатмайсизлар? Аллох таоло хузуридан келаётган вахийларни тушида эмас, ўнгида, эс-хуши жойидалигида Жаброил алайхиссаломдан қабул қиляпти-ку! Бундай тухмат ва ёлгонларни тўкиб юрмай, у Зотга эргашинглар, айтганларига кулок тутинглар, оғохлантирганларидан ибратланинглар. Нега ўзларингиз кўрмаган, билмаган нарсаларни ёлгонга чиқариб, инкор қилиб юрибсизлар?

23. уни уфқда аник-равшан кўрган;

Вахоланки, Мухаммад (алайхиссалом) Аллох таоло вахийларини келтираётган Жаброил алайхиссаломни уфқда аник-равшан, ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу ҳақда «Тафсири Хозин»да ушбу ривоят келтирилади: «Пайгамбар алайхиссалом Жаброил алайхиссаломга: «Мен сизни осмонда ўз суратингизда кўришни хоҳлайман», дедилар.

Жаброил алайхиссалом: «Бунга кучингиз етмайди», деганларида, у Зот: «Йўк, етади», дедилар. Жаброил алайхиссалом: «Каерда кўринишимни истайсиз?» дедилар. Пайгамбар (алайхиссалом): «Абтоҳда», деганларида, хазрати Жаброил: «У ерга сигмайман», дедилар. «Ундай бўлса Минода», дедилар. «У ерга ҳам сигмайман», дедилар хазрати Жаброил. «Унда Арафотда», дедилар. «У ерга ҳам сигмайман», дедилар Жаброил алайхиссалом. «Унда Хиро тогида», дедилар Фахри коинот. Хазрати Жаброил: «Агар ўша ерга сигсам, ўша жойда кўринаман», деб ваъдалашишди. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) Хиродан чикканларида Жаброил алайхиссалом Арафот томонда жаранг-журунг овоз билан юзланиб тургандилар. Кўкраклари магрибу машрикни тўлдирган, бошлари осмонда, оёқлари ерда эди. Пайгамбар алайхиссалом бу холатни кўриб, хушларидан кетиб йикилдилар (Чунки у Зот бундай катта нарсани олдин кўрмагандилар). Жаброил алайхиссалом олдинги кўринишларига кайтдилар ва Мухаммад алайхиссаломнинг кўкракларини босиб: «Эй Мухаммад, кўркманг, (мендан шунчалик кўркдингиз-у) агар Исрофилни (алайхиссалом) кўрганда нима киласиз? Холбуки, унинг боши Аршга, оёғи эса етти кават ернинг тагида туради, Арш унинг елкаси устида туради. (Ана шундай улкан фаришта ҳам) гоҳида Аллохнинг махобати олдида жуда кичрайиб-кучсизланиб, хатто кичик саъвадек бўлиб қолади. Ўша вақтда Аршни Аллохнинг азаматидан бошка ҳеч нарса кўтармайди», дедилар».

24. ва у гайбни яширмайди ҳам.

Пайгамбар Мухаммад (алайхиссалом) гайбий вахийларни одамлардан яширмайди ҳам, чунки у бахил эмасдир. Дархакикат, Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) кўли очиклилик, мурувватлилик, сахийлик бобида нафакат Курайш кабиласида, балки бутун Макка шаҳрида тенгсиз эдилар. Камбагал бўлишларига карамай, бу Зотнинг бахиллик килганларини ҳеч ким кўрмаган. Оддий нарсаларда бахиллик килмаган Зот Аллох таолонинг вахийларини саҳобаларига етказишда бирор жойини яшириб қолармидилар?! Вахоланки, у Зот Парвардигорларининг бу ҳақдаги мана бу ваъдасини яхши биладилар-ку: *«Агар у Биз айтмаган сўзни тўқиганида, албатта, уни ўнг кўлидан тутардик ва кейин жонтомирини кесиб ташлардик»* (Ал-Хаакко, 44-46).

25. Ва бу тошбўрон килинган шайтон сўзи эмасдир.

Ва Куръони Карим оятлари Аллох таоло ҳузуридан қувилган, тошбўрон килинган, лаънатланган шайтоннинг сўзи ҳам эмасдир. Аллох таоло ҳузуридан келган вахийларни етказмокчи бўлганларида Макка мушриклари Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломни «ўзи кохин, сеҳргар, унинг гаплари ҳам шайтоний гаплардир», дея

тухмат килишган эди. Аллох таоло ушбу ояти билан Ўз Каломи ва Пайгамбарини мушриклар тухматидан химоя қилди.

26. Каёкка кетмокдасиз?

Хой инсонлар, эй мушриклар, каёкка қараб кетяпсизлар? Куръонни ёлгонга, сохибингиз Мухаммадни мажнунга чиқариб, ҳидоят йўлини тарк этиб, қаерга ҳам қочиб бора олардингиз? Ўзларингиздан олдин ўтган қавмлар қиссасидан нега ибрат олмайсизлар? Улар устига келган бало-мушибатлар бошларингизга тушмай туриб, нега кўз очмайсизлар? Аллохга ва Унинг Пайгамбарига бўлган ишончингиз шуми?

27. Бу оламларга фақат эслатмадир;

Аллох таоло сизларни жаҳолатда қолдиргани йўқ, нажот топишингиз учун йўлларни беркитгани йўқ, ўз ҳолингизга ташлаб қўйгани ҳам йўқ! Ҳақгўй, омонатдор элчиси орқали сизларга ва бутун оламларга эслатма, ҳақ йўлни топишда дастур бўлиши учун Куръони Қарим сураларини юборди. Сизлар ундан эслатма олишингиз, унинг ҳукмларига бўйсуниб яшашингиз, унинг ёрдамида ҳатоларингизни тўзатишингиз лозим. Шундагина дунё ҳаётида солиҳ амаллар билан охиратингизни безайсиз ва алал-оқибат икки дунё саодатини қўлга киритасиз.

28. тўғри йўлдан боришни истовчиларгадир.

Бизнинг бу эслатмамиз тўғри йўлдан боришни, ҳидоятга эришишни, маърифатга эришишни истовчи такволи кишиларгадир. Инсон «фақат ҳақиқат узра бўламан», деб даъво қилса, тўғри йўлда бўлишни истаса, у Куръонга, уни ўргатган Пайгамбарга (алайҳиссалом) эргашиши, Макка мушриклариники қаби эмас, Аллохга ҳолис иймон келтириши, шу йўлда қатъий туриши керак бўлади. Энг тўғри йўл ҳам, нажот йўли ҳам шудир! Шундагина Куръон уларга эслатма бўлади.

29. Сизлар оламлар Парвардигори хоҳласагина, буни хоҳлай оласизлар.

Тўгри йўлга йўллаш ҳам, залолат йўлига буриб юбориш ҳам Аллох таолонинг иродасига боглик. У хохлаган кишисини хидоятга бошлайди, хохлаганини ҳақ йўлдан четлатиб юборади. Аллох таоло хохласагина, тўгри йўлга юра оласизлар. Салмон ибн Мусо айтади: «Бу оламларга эслатмадан бошқаси эмас, тўгри йўлдан боришни истовчиларга» ояти нозил бўлганида одамлар: «Бу бизнинг ишимизб хохласак, тўгри йўлда бўламиз – хохламасак, тўгри йўлда бўлмаймиз» дейишди. Шунда Аллох таоло мазкур оятни туширди» («Асбабун-нузул», 391-бет).